



Hamidulloh AMINOV^a 

*^aDoctoral Researcher of the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni,
Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan,
Senior Research Fellow; PhD in History
E-mail: hberuniy@mail.ru*

ШАЙБОНИЙ УБАЙДУЛЛОҲХОНГА БАҒИШЛАБ ЁЗИЛГАН АСАРЛАР

Аннотация. Ушбу мақолада Шайбонийлар сулоласи ҳукмдори Убайдуллоҳхонга (1533–1540) нисбат берилган асарлар, уларнинг муаллифлари, манба сифатидаги аҳамияти ҳамда бугунги кунгача сақланиб қолган қўлёзмалари таҳлил қилинади. Хусусан, мақолада келтирилган янги илмий маълумотлар асосида Убайдуллоҳхоннинг илмий даражаси, диний-исломий дунёқараши, уламоларга бўлган эътибори ва уламоларнинг унга бўлган муносабати ўрганилади.

Убайдуллоҳхон шайбоний ҳукмдорлари орасида олимлар ва адиблар томонидан энг кўп асарлар бағишланган шахслардан бири ҳисобланади. Ушбу асарлардан унинг билими, илмий салоҳияти ва дунёқараши қайси соҳа ва мавзуларга кўпроқ мойиллик билдиргани ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Шунингдек, улар орқали Убайдуллоҳхоннинг илмий қизиқишлари ва унинг кутубхонасидаги китоблар доираси аниқланади.

Убайдуллоҳхон тахтга расмий равишда ўтиришидан олдин ҳам унга бағишланган бир қатор асарлар яратилган. Шунингдек, унинг исми ҳукмронлиги даврида ёзилган кўплаб асарларнинг сўзбошисидан учрайди. Мақолада Убайдуллоҳхонга бағишланган ушбу асарлар нима учун ёзилгани, уларнинг илмий аҳамияти, муаллифлар ҳукмдорнинг эътиборини қозониш учун ёки сиёсий шароит талаби билан ушбу асарларни яратганлиги каби масалаларга жавоб изланади. Шунингдек, ҳукмдор буйруғи асосида ёзилган асарлар ва уларнинг мазмуни ҳақида ҳам маълумот берилади.

Калит сўзлар: Шайбоний, Убайдуллоҳхон, шарҳ (изоҳ), ҳошия (суперизоҳ), мазҳаб, ҳанафийлар, фатво, қироат (ўқиш), тажвид, фикҳ, газал, байт, манба, қўлёзма, тошбосма (литография).

WORKS WRITTEN DEDICATED TO SHAIBANI UBAIDULLAH KHAN

Abstract. This article analyzes the works dedicated to Ubaidullah Khan (r. 1533–1540), a ruler of the Shaybani dynasty, focusing on their authorship, historical and scientific value, and surviving manuscripts. The paper highlights Ubaidullah Khan's scholarly stature, his religious and Islamic views, his patronage of scholars, and how he was perceived by the intellectuals of his time, based on new research findings.

Among Shaybani rulers, Ubaidullah Khan stands out for the number of scholarly and literary works composed in his honor. The article also explores the extent of Ubaidullah Khan's knowledge, his intellectual preferences, and the scientific domains to which he was most inclined. The topics and nature of books housed in his personal library are inferred from these dedications.

Notably, a number of works were dedicated to him even before he officially assumed the throne, and his name frequently appears in the prefaces of works written during his reign. The article addresses questions such as: What motivated the composition of these works? Were they genuine scholarly tributes or strategic efforts to gain the ruler's favor? Did political circumstances play a role in their creation? It also identifies works commissioned by Ubaidullah Khan himself and examines their content and significance in the intellectual history of the region.

Keywords: Shaybani, Ubaidullah Khan, sharh (commentary), hashiya (marginalia), madhhab, Hanafi, fatwa, qira'at (recitation), tajwid, fiqh, ghazal, bayt, source, manuscript, tashbasma (lithography).

КИРИШ

Шайбонийлар сулоласининг кўзга кўринган вакили Убайдуллоҳ ибн Маҳмуд Шайбоний (1487-1540) ўқимишли, диний илмларни чуқур билган, тасаввуфий билимларга эга, ирфоний шеърлар битган ижодкор бўлиши билан бирга, илм аҳлига ҳомий ва маърифатпарвар султонлардан эди, тарихда у ижод аҳлига ҳомий сифатида ҳам намоён бўлади. Унинг қарийб етти йиллик ҳукмдорлик даврида юзага келган бир қанча асарлар унга бағишлаб ёзилган эди. У расман султонлик қилган йилларидан олдин ҳам илм аҳлининг ҳомийси бўлган. Шунинг учун ҳам, унинг ҳукмдорлик йилларидан илгари ёзилган асарлар муқаддималарида унинг номи ҳурмат билан тилга олинганини кўришимиз мумкин.

Биз Убайдуллоҳхонга бағишлаб ёзилган фикҳий асарлар тўғрисида илмий мақола эълон қилган эдик (Аминов Х, 2023:26-30). Қуйида эса айнан унинг номи тилга олинган ва китоб унга бағишланганини билдирувчи маълумотларга эга, турли илм соҳаларига оид асарлар тўғрисида сўз юритмоқчимиз. Бу маълумотлар Убайдуллоҳхоннинг илмий савиясини, исломий дунёқарашини, олимларга эътибори ва илм аҳлининг ҳам унга муносабатини кўрсатувчи далилларга эга.

АСОСИЙ ҚИСМ

Убайдуллоҳхон номи тилга олинган асарлар сирасига қуйидагиларни келтириш мумкин:

«Сулук ал-мулук» асари 920 хижрий сана рабеъ ал-аввал ойида – милодий 1514 йил майда ёзиб тугатилган бўлиб, Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон Исфажоний (1456-1521) томонидан битилган (Ümit Gedik, 2018:112). Асарнинг муқаддима қисмида: «Ушбу «Сулук ал-мулук» китобининг ёзилишига даъват қилувчининг зикри» деган махсус бўлим мавжуд (Исфажоний, 1966:5). Унда асарнинг ёзилиш сабаблари ва буни тақлиф этган Убайдуллоҳхон мақталган ҳолатда зикр қилинган. «Сулук ал-мулук» муқаддима, 15та боб ва хотимадан иборат. Асар жами 84та фаслдан таркиб топган бўлиб, давлат бошқарувининг асосий қоидаларини ёритишга бағишланган. Муаллиф ҳанафийлик ва шофеийлик мазҳабига кўра давлат бошқаруви асосларини таҳлил қилган.

«Маноқиби Абдуҳолиқ Ғиждувоний» – бу асар ҳам Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон Исфажоний

томонидан 918 хижрий 15-18 шаввол ойида (1513 йил 24-27 декабр) уч кун ичида ёзилган. Исмоил Сафавий (ҳукмронлик йиллари 1502-1524) шиалари шу йили Мовароуннаҳрга ҳужум қилиб, Ғиждувонни қамал қиладилар. Шунда Убайдуллоҳхон бошлиқ мовароуннаҳрликлар Ватан ҳимоясига отланадилар. Муаллиф шу вақтда Убайдуллоҳхон билан бирга бўлади. Бу воқеаларни тасвирлар экан, муаллиф Ғиждувонда Абдуҳолиқ Ғиждувоний мақбарасини зиёрат қилиб, унинг руҳий мададидан умидвор бўлганини ёзади. Зиёрат асносида олим унинг маноқибига бағишланган бир асарни ҳеч қандай китоб ва манбаларга қарамасдан шошилинч равишда ёддан ёзиб беришга эришади (Исфажоний, ЎЗР ФА ШИ қўлёзмаси, № 3844/XVI:170a). Рисола уч фаслдан иборат бўлиб, аввалгисида Абдуҳолиқ Ғиждувонийнинг ҳаёти, иккинчисида машойихлари ва тариқати, учинчисида эса шогирдлари ва давомчилари ҳақида сўз юритилган.

«Жоме ар-румуз» – 941 йил 8 зулҳижжада (1535 йил 9 июн) Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад ибн Ҳусомиддин Ҳанафий Бухорий Хуросоний Қўҳистоний (1483-1555) томонидан битилган (Аминов Х, 2013:127-134). Убайдуллоҳхон тақлифи билан 918/1512 йил баҳорида Бухорога келган Шамсиддин Муҳаммад Қўҳистоний ушбу ҳукмдор даврида бутун Мовароуннаҳрнинг бош муфтийси сифатида фаолият олиб борган (Васифи, 1961:19-20). «Жоме ар-румуз» Убайдуллоҳ ибн Тож аш-шариа ал-Бухорий (ваф. 1346) қаламига мансуб машҳур «Муҳтасар ал-Викоя» асарига араб тилида ёзилган шарҳдир. У тўрт жуздан иборат бўлиб, унда «Муҳтасар ал-Викоя»даги ҳар бир рамз ва ишораларга муфассал тўхталиб, изоҳланган.

Бухоролик олим, Қозизода Шариф маҳдум ибн Абдулраҳим Бухорий (XIX аср) «Жоме ар-румуз»нинг тошбосма нашрига ёзган сўзбошисида Ҳусайн Байқаро вафотидан кейин шиалар ҳужуми ва уларнинг зулми кучайиши сабабли Шамсиддин Муҳаммад Қўҳистонийни ўз хонақоҳига яшириниб, тоат-ибодатга машғул бўлганини, Убайдуллоҳхон даврига «Жоме ар-румуз»ни ёзганини, Убайдуллоҳхон Ҳиротни фатҳ қилганида унинг истиқболига пешвоз чиққанини, хон унинг иззат-ҳурматини жойига қўйиб, Бухорога жўнатганини, Бухорода эса «Жоме ар-румуз»ни тамомлаб, хонга бағишлаганини алоҳида қайд қилиб ўтган (Бухорий, 1909:13-14). Буни муаллиф асарнинг муқаддимасида ҳам

қайд қилган. Унда айтилишича, шиалар ҳужуми вақтида муаллиф узлатга чекинган ва «Жоме ар-румуз»нинг қораламасини ёзиб тугатган ва уни ташлаб қўйган. Уни оққа кўчириш вақти эса Убайдуллоҳхон даврига тўғри келган ва унга бағишланган (Кўхистоний, 1909:39).

«Табйини дори ҳарб ва дори ислом» – Шамсиддин Муҳаммад Кўхистонийнинг Убайдуллоҳхонга бағишлаб ёзган навбатдаги асари (Аминов, 2021:369-376). Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида ушбу асарнинг тўртта қўлёзма нусхаси мавжуд (Кўхистоний ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 9060. 293б-варақ:40). Қўлёзмалардан бирининг колофон қисмида: «Ушбу муборақ рисола раббоний олим Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Кўхистоний томонидан соҳибқирон подшоҳ Убайдуллоҳхон Баҳодирхон талаби билан Ҳирот дор ал-ҳарбми ёки йўқми деган сўровига жавобан ёзилган», деган маънодаги қайдлар мавжуд (Кўхистоний, ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 9060. 293б-варақ:293б). «Табйини дор ал-ҳарб ва дор ал-ислом» рисоласида ислом фикҳидаги «дор ал-ҳарб» ва «дор ал-ислом» тушунчалари ифодалаб берилган ва зулмга қарши курашмоқ лозимлиги кўрсатилган.

XVI аср бошларида Эронда шиалик давлат дини деб эълон қилингандан сўнг Мовароуннахрнинг сунний мусулмонлари улар билан курашиши, уларни қул қилишнинг ғоявий асоси ишлаб чиқилган. Сунний уламолари, айниқса, шиалардан зулм-ситам кўрган Шамсиддин Муҳаммад Кўхистоний сингари олимлар томонидан шиаларни кофир, уларнинг давлатини эса «дор ал-куфр» деган фатволар берилган эди. Бу хилдаги фатволар Мовароуннахр сунний ҳукмдорларининг Эронга юришлари учун асос бўлиб хизмат қилган.

«Фатовойи Алийя» – фикҳий фатволар тўплами бўлиб, Али ибн Муҳаммад Али ибн Али ибн Маҳмуд ал-Мухторий ал-Кубровий ал-Хоразмий (XVI аср) тарафидан ёзилган. Асар асли «Фатовойи Шайбоний» номи билан Муҳаммад Шайбонийхонга (1500-1510) бағишлаб ёзилган эди. Лекин, унинг вафотидан сўнг муаллиф асарни қайта ишлаб, анча тўлдиришлар билан бирга «Фатовойи Алийя» деб номлаб Убайдуллоҳхонга бағишлаган (Аминов Х, 2012:26-29; Аминов Х, 2015:28-29). «Фатовойи Алийя» муқаддимасида муаллиф Убайдуллоҳхонни мадҳ қилар экан, кўпроқ унинг адолатли экани, бошқарувчанлик сиёсатининг мукамаллиги,

жангу жадалларда маҳоратли саркарда эканига, шунингдек, тахтга қонуний мерос йўли билан келганига кўпроқ урғу берган (Хоразмий, ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 4833/IV:125b).

«Қавоид ал-Қуръон» – Ёрмуҳаммад ибн Худойдод Самарқандий (XVI аср) томонидан ёзилган. Маълумотларга қараганда, Убайдуллоҳхон «Қуръон»ни тўлиқ ёд олган ҳофиз ва қори бўлиб, қироат илмидаги устози ҳам айнан Мавлоно Ёрмуҳаммад қори Самарқандий бўлган (Нисорий, 1993:30; Бухорий, 2006:233; Ражабов Қ., Очилов Э., 2011:4). Ёрмуҳаммад Самарқандий ўзининг қироат ва тажвидга оид «Қавоид ал-Қуръон» асарида ташқари «Китоб ал-Муфрада» номли асарини ҳам Убайдуллоҳхонга бағишлаган. «Қавоид ал-Қуръон»да қироат услублари ва қоидалари батафсил зикр қилган бўлиб, асар XVI-XIX асрларда Мовароуннахр ҳудудида анча шуҳрат қозонган. Унинг муқаддимасида Убайдуллоҳхон номи анча тавсиф-у таърифлар билан тилга олинган (Самарқандий, ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 3354/I:4a-b).

«Китоб ал-Муфрада» – асари ҳам Ёрмуҳаммад Самарқандий томонидан Убайдуллоҳхонга бағишлаб ёзилган (Самарқандий, ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 3354/I:49). Ушбу асар тўғрисида Исматуллаев А.Т. тадқиқотларида илк бор илмий маълумотлар тақдим қилган (Исматуллаев А.Т., 2020:20). Асарда қироат турлари, қориларнинг қироатларда ўзларига хос йўл тутган жиҳатлари баён этилган.

«ал-Муфрада ал-муфида» – Ҳофиз Калон (XVI аср) томонидан 927/1521 йил битилган. «ал-Муфрада ал-муфида» муқаддимасида Убайдуллоҳхоннинг тафсир, ҳадис, фикҳ, сарфнаҳв илмларини билиши зикр қилиниб, қироат илмида унинг бирор тенгдоши йўқ, қироат илмига оид «Шотибий»ни мукамал билади, қироатнинг содда қоидаларини тўлиқ ёд олган, мушқил қоидалари ҳам асло ёдидан кўтарилган эмас, деб таърифланади (Ҳожи Халифа, 1941:3b). ЎзР ФА ШИ қўлёзмалари картотекаларида 2945 тартиб рақами билан сақланадиган Ҳофиз Калон қаламига мансуб асарнинг номини «Анис ал-қурро» деб берилган. Унинг асли номи «ал-Муфрада ал-муфида» бўлиб, унинг қўлёзмаси автограф бўлиши ҳам мумкинлигини Исматуллаев А.Т. ўз диссертациясида аниқлаб берган (Исматуллаев А.Т., 2020:48).

«Шарҳи рубойиёти Убайдий» – таниқли мутасаввиф Маҳдуми Аъзам Саййид Аҳмад Хожаги Косоний Даҳбедий (1464-1542 м.) томо-

нидан Убайдуллоҳхоннинг форс тилидаги рубойларига битилган шарҳ (Macit, 2014:12). Махдуми Аъзам Косоний мазкур рисоласида «Ҳазрати Хони олийшон» дея Убайдуллоҳхоннинг бир нечта рубойларига ҳамда битта ғазалига шарҳ ёзган. Асар форс тилида бўлишига қарамасдан, эҳтимол Убайдуллоҳхоннинг ўзбек қавмидан эканини эътиборга олиб, рисола охирида туркий ғазал билан тугатган (Косоний, ЎзР ФА ШИ қўлёмаси, №501/XIV:171b-178a). ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида мазкур асарнинг 4 нусхаси сақланади (Косоний, ЎзР ФА ШИ қўлёмаси, № 2780/XVII).

Махдуми Аъзам Даҳбедий тарафидан яна қуйидаги учта асари ҳам Убайдуллоҳхонга бағишлаб битилгани маълум:

«Шарҳи ғазали Убайдуллоҳхон» – Убайдуллоҳхоннинг «...Кун!» («...Бўл!») радифли 5 байтли ғазалига ёзган орифона шарҳи (Косоний, ЎзР ФА ШИ қўлёмаси, 282b-284a). Ғазал қуйидаги байт билан бошланади:

Даро, ба-мамлакати ишқ подшоҳи кун,

Нишин ба-тахти хумоюн ва ҳар чи хоҳи кун!

Мазмуни: Ишқ мамлакатиға кириб, подшоҳ бўлгин, муборак тахтда ўтириб, хоҳлаганингни қилгин!

Мазкур ғазалнинг ҳар бир мисраси алоҳида-алоҳида шарҳлаб берилган.

«Рисолаи баёни воқеа» – Убайдуллоҳхоннинг бир рубойисига ёзган шарҳи. Шарҳ асносида муаллиф кўрган тушини ҳам баён қилиб беради, шу сабабли асар «Рисолаи баёни воқеа» деб номланган (Косоний, ЎзР ФА ШИ қўлёмаси, № 501/XXV: 284b-288b).

Ҳасанхожа Нисорий унинг қуйидаги рубойисига шарҳ ёзганини зикр қилган, лекин асар номини зикр қилмаган:

Аҳволи нима, эй дўст, яке-ду бинам,

Ҳар чизки бинам, ҳама бо ў бинам.

Мастағрақи «Ху!» чунон шудам – дар ҳама ҳол:

«Ху!» нуям-у, «Ху!» бишнавам-у, «Ху!» бинам.

Мазмуни: Ярим аҳволимни, эй дўст, бир-икки кўраман, Нимани кўрсам барчасини у билан бирга кўраман. Барча ҳолатда «Ху!»га (Аллоҳнинг зикрига) шунчалар ғарқ бўлибманки, фақат «Ху!» дейман, «Ху!»ни эшитаман ва «Ху!»ни кўраман (Нисорий, 1993: 23).

Ҳасанхожа Нисорий эслатган ушбу асар «Рисолаи баёни воқеа» эди.

«Муршид ас-соликин» – Убайдуллоҳхонга бағишлаб ёзилган тасаввуфга доир асар. Унинг бир қўлёзма нусхаси ЎзР ФА ШИ да 13273/I тартиб рақами билан сақланади. Рисола «Ҳазрати Раҳмоннинг макбули, дарвешларнинг қалбларини эгаллаган зот Убайдуллоҳхон...» деб бошланади (Косоний, ЎзР ФА ШИ қўлёмаси, № 13273/I:1a).

«Шарҳи рубойиёти Убайдий» – Шайбонийлар даврининг энг кўзга кўринган олимларидан бўлган Асомиддин Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Арабшоҳ Исфаройний (1468-1538 м.) тарафидан Убайдуллоҳхон рубойларига ёзилган шарҳ. «Музаққир аҳбоб»да Убайдуллоҳхон унга пешиндан кейин араб тилида битта рубойий ёзиб юборгани, у эса намозшомгача рубойини шарҳ қилиб тўлиқ рисола ёзиб жўнатгани қайд қилинган. Тазкирада айтилишича, «Мазкур рубойининг ҳар бир мисраси бобида олти юз эллик маъно айтганлар» (Нисорий, 1993:172). Албатта мазкур шарҳни олим 1520 йилда Бухорога келганидан кейин ёзгани аниқроқ.

Асосиддин Иброҳим Исфаройний томонидан ёзилган «Ҳошият ал-Викоя ар-ривоя» ва «Шарҳ ал-Кофия» асарлари ҳам Убайдуллоҳхонга бағишланган:

«Ҳошият ал-Викоя ар-ривоя» – «Кашф аз-зунун»да айтилишича, бу асар Убайдуллоҳхоннинг илтимоси билан 934/1527 йилда ёзиб тугатилган (Ҳожи Халифа, 1941:2022). У Бурҳон аш-шариа Маҳмуд ибн Садр аш-шариа ал-аввал ал-Маҳбубий ал-Ҳанафий (ваф. 1274) қаламига мансуб машҳур «Викоят ар-ривоя фи масоил ал-Ҳидоя» асарига шарҳ сифатида ёзилган. «Ҳошият ал-Викоя ар-ривоя»нинг муқаддимасида муаллиф Убайдуллоҳхоннинг номини тилга олиб, «Дарҳақиқат, менга муҳолафати мумкин бўлмаган бир зот буни буюрди. Зотан, унинг неъматлари ва илтифотлари мени қамраб олганди. У шундай бир зотки, барча гўзал хислатларга эга, адолати зулматни дунёни тўлдирган, жоҳиллар қўлидан мулкларни илм арбобларига тутқазган, илм сўзларини олий қилган, уни масжид ва мадрасалар биноси билан мустаҳкамлаган, ҳатто илм байроғини ўзининг илми, шижоати ва саховати ила самоларга юксалтирган, халоиқ орасида мактовли, салтанатини ёмонлаб бўлмайдиган ҳокон Абулғози Убайдуллоҳдир», деб ёзади (Исфаройний, ЎзР ФА ШИ қўлёмаси, № 11457:1b-2a).

«Шарҳ ал-Кофия» – Убайдуллоҳхоннинг илтимоси билан Жамолиддин Абу Амр Усмон ибн Умар ал-Моликий – «Ибн ал-Ҳожиб»нинг

(1174-1249 м.) тилшуносликка оид «ал-Кофия фи-н-нахв» номли асарига ёзилган шарх (Исфариноий, 2015:29). Бу асар асрлар давомида мадрасаларда араб тилидан асосий қўлланма бўлиб келгани сабабли Мовароуннаҳрда ҳам жуда машхур эди. «Шарх ал-Кофия» муқаддимасида Убайдуллоҳхоннинг номи мактов ва дуолар билан эсланган бўлиб, ундан ташқари шахзода Абдулазиз ва амир Ёр Муҳаммад ибн Жонвафобий номи ҳам тилга олинган (Исфариноий, 2019:33-34). ЎзР ФА ШИ қўлғзмалар фондида асарнинг 15 дан ортиқ нусхаси сақланади.

«Шарх Манор ал-анвор» – машхур мунажжим олим Абдулалӣ ибн Муҳаммад ибн Хусайн ал-Биржандий (ваф. 1528) томонидан ёзилган (Ҳожи Халифа, 1941:1826). Мазкур асар усул ал-фикҳга оид бўлиб, машхур ханафий фақиҳи Ҳофизиддин Абулбаракот Насафийнинг (ваф. 1310) «Манор ал-анвор» номли асарига шарх сифатида ёзилган. Абдулалӣ Биржандий мазкур шарҳини Истанбулга кетишидан олдинроқ, 1526 йилдан олдин ёзган, десак тўғрироқ бўлади.

«Шарх ал-Кофия» – Муиниддин Муҳаммад Амин ал-Ҳаравий (XVI аср) томонидан араб тилшунослигига оид «ал-Кофия фи-н-нахв»нинг мазкур шарҳи форс тилида бўлиб, «Кашф аз-зунун»да уни: «Эй, аз калима-ат оройиши ҳар калом...» деб бошлангани ва Убайдуллоҳхонга бағишлаб ёзилгани қайд қилинган (Ҳожи Халифа, 1941:1373).

«Азкор ал-азкиё» – Мир Саййид Муҳаммад Сомоний (XVI аср) қаламига мансуб. Тасаввуф машойихларининг биографиясига оид бўлиб, форс тилида ёзилган. Асарнинг икки қўлғзма нусхаси ЎзР ФА ШИ қўлғзмалар фондида сақланади ва улар илмий тавсиф қилинган (Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР, 1987:364-365).

Асарда 61 нафар шайхнинг таржимаи ҳоли берилган (Somoniy. 25: 89b). Лекин, у жуда кам ўрганилган, тўлиқ тадқиқ қилинмаган ва илмий муомалаларга тортилмаган. Асар уч «табақа»га бўлинган бўлиб, биринчисида Убайдуллоҳхон тахтга чиққунга қадар шайх бўлиб танилиб улгурганлар, иккинчисида тахтдалиқ даврида етишиб чиққан машойихлар, кейингисида эса келажакда шайхлик мақомига муносиб бўлган ёш машойихлар зикр қилинган.

«Қасидаи Мавлоно Мушфиқий» – Мавлоно Мушфиқий номи билан шуҳрат қозонган шоир, адиб ва давлат арбоби Абдурахмон Мушфиқий

(1525-1588) томонидан битилган қасида. Асар «Дар мадҳи Мавлоно Мушфиқий дар мадҳи Убайдуллоҳхон» деб ҳам аталган. Унинг бир қўлғзмаси ЎзР ФА ШИ қўлғзмалар фондида 121/VI тартиб рақами билан сақланади. Бор йўғи 2 (996-1006) варақдан иборат бу нусхани 1832 йили Муҳаммадий маҳдум деган хаттот қўчирган.

«Шарҳи қасидаи Убайдуллоҳхон» – Мавлоно Хожа Али (XVI аср) томонидан битилган шарҳ. 925 х./1519 м. йили Ҳошимий Балхий деган шоир Абдурахмон Жомий қаламига мансуб «Жило ар-рух» қасидасига монанд жавоб қасидасини ёзади. Мазкур қасидага эса Убайдуллоҳхон ҳам битта қасида билан жавоб беради. Қасиданинг илк байтлари қуйидагича эди:

Муаллим кист, Хизру Мусо Имрон сабоқхонаш,

Сабақи илми ладуний-у лаби дарё дабистонаш.

Мазмуни: Муаллим ким, у Хизрдир, Мусо ибн Имрон эса ундан дарс ўқирди. У «ладуний» илмнинг сабоғи бўлиб, дарё кирғоғи унинг мактаби бўлди (Восифий, 1950:179-180).

Мазкур шарҳда муаллиф гўё ҳар бир мисрани изоҳлашда 18 та илмни ишлатган экан. Лекин, Зайниддин Восифий (1485-1566) уни танқид қилган (Восифий, 1950:181-182).

«Шарҳ Мухтасар ал-Викоя» – Салоҳиддин ибн Бадриддин Ҳазравоний Ҳаравий (XVI аср) асари. Форс тилида битилган мазкур асар «Шарҳи форсийи Мухтасари Викоя» номи билан Абдурахмон Жомий (817-898 х./1414-1492 м.) га нисбат қилиниб, Муҳаммад Эҳсонуллоҳ Фаранғимаҳаллий ноширлигида Ҳиндистонда 1885 йили Лакнаунинг машхур «Навал Кишур» матбаасида 2 жилд қилиниб чоп этилган. Асар Абдурахмон Жомийга тегишли эмаслиги ўз-ўзидан маълум. Ноширни чалғитган нарсаси асарнинг кириш қисмида Шайхулислом Аҳмади Жомий (1048-1142 м.) томонидан 1128 йили ёзилган «Мифтоҳ ан-нажот» номли асаридан иқтибос келтирилгани бўлса керак (Жомий Аҳмади, 2011:10-11). Тошбосма нусхада мазкур асар номи «Маориж ан-нажот» деб берилган, автограф қўлғзмада эса «Мифтоҳ ал-жинон» тарзида келтирилган. Аҳмади Жомийнинг «Мифтоҳ ан-нажот» асари борлиги маълум ва форсча матни бир неча марта нашр этилган. Бу ерда «Мифтоҳ ан-нажот» назарда тутилаётганини эса, илмнинг фазилати борасидаги олинган иқтибос айнан ушбу китобда келтирилгани билан исботлаш мумкин.

Зотан, Абдурахмон Жомийнинг ҳаёти ва ижодида «Мухтасар ал-Викоя»га шарҳ ёзгани маълум эмас. Шу билан бирга, асар муқаддимасида Убайдуллоҳхон номи «Подшоҳи динпаноҳ Абулғози Убайдуллоҳхон» деб тилга олинган (Абдурахмон Жомий, 1885:3). Абдурахмон Жомий Убайдуллоҳхон даврига яшамаган. Қўлёзмалар солиштириб кўрилганда, у Салоҳиддин ибн Бадриддин Ҳаравийнинг асари бўлиб чиқди.

«Шарҳ Мухтасар ал-Викоя» асари Мовароуннаҳрда ҳам шуҳрат қозонган бўлиб, қўлёзмалари жуда кўплаб учрайди. Унинг муаллиф дастхати билан ёзилган автограф нусхаси ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида 10669 тартиб рақами билан сақланади. Асарнинг охириги варағида шориҳ ўз номини Муҳаммад Салоҳ ибн Бадриддин Муҳаммад Хазравоний тарзида келтирган ва асарни 937 йил 11 сафар сешанба куни (1530 йил 4 октябрь) тугатганини қайд қилган (Муҳаммад Салоҳ. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 10669: 178а). Айнан 18 сафарда Убайдуллоҳхон Ҳиротни эгаллаб ўзини Ҳуросон мулки хони деб эълон қилдирган эди.

«Шарҳ Мухтасар ал-Викоя» – Жалолиддин Маҳмуд ибн Абу Бакр Самарқандий (XVI асари) асари. Муқаддимада муаллиф ўзини Бурҳониддин Марғинович авлодидан эканини (аз аҳқари аҳқоди Мавлоноий марҳум ал-мағфур ал-мустарих фи живори Малик ал-Алло, Шайхулислом Бурҳониддин ал-машҳур ба-соҳиби «ал-Ҳидоя») айтиб ўтган (Жалолиддин Маҳмуд Самарқандий, 1900:7). Убайдуллоҳхоннинг номи келтирилишидан олдин унга тавсиф ва таъриф берилган, уни илмли, тақводор, адолатпарвар, шижоатли, гўзал хулкли, етук шоир, фасоҳатли адиб ҳукмдор экани айтиб ўтилган (Жалолиддин Маҳмуд Самарқандий, 1900:8).

Форс тилида битилган мазкур шарҳ халқ тилида «Гўримирий» номи билан шуҳрат қозонган. Унинг муаллифи Самарқанддаги темурийларга оид Гўримирий макбараси жойлашган маҳаллада яшаган.

«Равзат ул-воизин» – Муфтийи Калон номи билан танилган Муҳаммад ибн Бобо Самарқандий (XVI аср) асари бўлиб, Убайдуллоҳхон даврида Самарқанд муфтийси бўлган (Абдулаев И., Хикматуллаев Х., 1969:88). Асарнинг иккита қўлёзма нусхаси Санкт-Петербург Шарқшунослик институти фондида сақланади (Самарқандий, ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 3354/І:26). Асарда воизлар ўз ваъз-насиҳатларида фойдаланиши мумкин бўлган ҳадислар ва ривоятлар шарҳлаб берилган.

«Хавосс ва асори Сурати Ёсин» – Ҳофиз Султонали Убаҳий (XVI аср) томонидан Убайдуллоҳхонга бағишлаб ёзилган асар (Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР, 1957:86). «Қуръон»нинг машҳур «Ёсин» сурасининг тафсири ва унинг хосиятларига оид рисола. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида 2459/VI рақами билан сақланади.

«Тухфати Убайдуллоҳхон фи-л-калом» – XVI асрнинг калом илмига оид муҳим манбалардан бири аноним муаллиф томонидан Убайдуллоҳхонга бағишлаб ёзилган бўлиб, «Тухфати Убайдуллоҳхон фи-л-калом» деб аталади (Тухфати Убайдуллоҳхон фи-л-калом. ЎзР ФА ШИ-1, № 8221/III:46b-60b). Араб тилида ёзилган мазкур асар кириш қисмида унинг исломнинг мадори бўлган ва инсониятнинг саодатига восита бўладиган маълумотлар жамланмасидан иборат экани айtilган ҳолда: «Буни Хоқон ибн Хоқон Абулғози Убайдуллоҳхон ибн Маҳмуд султон ҳазратларига тухфа қилдим», деб бошланади. Дебочада номаълум муаллиф Убайдуллоҳхонни ислом ҳимоясига отланган, олимларни ҳурмат ва иззат қилишга бел боғлаган, ер юзига адолат нурларини таратаётган султон сифатида тасвирлайди (Тухфати Убайдуллоҳхон фи-л-калом. ЎзР ФА ШИ-1, № 8221/III:46b). Асар муқаддима, 3 та мавқиф (мавоқиф) ва хотимадан иборат.

МУҲОКАМА

Убайдуллоҳхоннинг номи тилга олинмаган асарлар сирасига қуйидагилар қиради:

Убайдуллоҳхон даври шоирлари унга бағишлаб бир қанча ғазал, мадҳия ва манзумалар ҳам яратганлар. Жумладан, сарой шоири Соний Афсарий (XVI аср) ўзининг ўзбекча девонидаги 14 та ғазал, 1 та рубоий, 1 та луғаз ва 1 та фардда, форсча девонидаги 7 та ғазал, 1 та рубоий ва 1 та арабча шеърида Убайдуллоҳхонга бағишлаган эди (Ўzeyir Aslan, 2011:1-10).

Зайниддин Восифий ҳам 54 мисралик луғазни Убайдуллоҳхонга бағишлаб ижод қилгани, иккита муаммони эса Убайдуллоҳхон номига атагани «Бадое ул-вақое»да тилга олинади (Восифий, 1950:235-240).

Айрим олим ва муаллифлар ўз асарларини Убайдуллоҳхонга бағишлаганини алоҳида қайд қилмаган ҳамда унинг номини тилга олмаса-да, маъно-мазмунидан унга атаб ёзилгани кўриниб турганлари ҳам мавжуддир. Масалан, Маҳдуми

Аъзам Косонийнинг «Воқеаи ҳаққония» номли рисоласини шу қаторга киритиш мумкин (Косоний, ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 2780/XXIV. 19:262b-267b). Муаллиф уни Хуросон фатҳи олдидан кўрган тушига бағишлаган.

Қози Маҳмуд Азизон (XVI аср) деган олим Убайдуллоҳхонга устоз бўлгани манбаларда зикр қилинган. Унинг «Сездаҳ ганж» деб аталган фикҳий асари ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондидан 2574/IV рақами билан сақланади (Қозй Азизон, ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 2574/IV:357b-447b). Лекин, унда Убайдуллоҳхоннинг номи муқаддимада унга бағишлаб ёзилгани қайд қилинган эмас, балки асарнинг фатво ривоятининг матни келтирилганда эслатилади (Қозй Азизон, ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 2574/IV:358a). Қози Хожа Азизоннинг жияни Амир Абулмаолий ибн Хожа Мавлоно ал-Бухорий томонидан ёзилган «Ҳасаб ал-муфтийин» номли йирик фикҳий китоб маълумотлари Убайдуллоҳхон даврида тўплангани, тартибга келтиргандан кейин эса уни Пирмуҳаммадхонга бағишлангани асар муқаддимасида айтиб ўтилганини ҳам мисол келтиришимиз ўринли бўлади. Мазкур асар ЎзР ФА ШИ да 12211 тартиб рақами билан сақланади, қўлёзма катта ҳажмда 376 варақдан иборат.

НАТИЖАЛАР

Убайдуллоҳхонга бағишлаб ёзилган асарлар тўғрисида сўз юритар эканмиз, бу ерда унинг ўзи ҳам олим ва адиб бўлганини таъкидлашимиз ўринлидир. Унинг назмий асарларининг куллийти 8931 тартиб рақами билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланади. Мазкур куллийтда унинг араб, форс ва туркий тиллардаги девони, ҳикматлари, бир қанча маснавийлари ва таржима асарлари мавжуд.

Адабиётларда «Убайдуллоҳхоннинг кироат, тафсир ёки диннинг бошқа масалаларига бағишланган рисоалари ҳам бўлиб, ҳозиргача топилгани йўқ», дейилган бўлса-да (Косоний, ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси:7), лекин бундай асарларининг қўлёзмалари давримизгача етиб келгани маълум. Жумладан, Убайдуллоҳхон кироат илмида эса бир асар битган бўлиб, у «ҳофизларни хато қилишларидан сақлаб туради» (Нисорий, 1993:30). Мазкур асарнинг бир нусхаси турк тадқиқотчи олими Ahmed Ateş нинг шахсий кутубхонасида

мавжуд бўлиб, у ҳақида битта мақоласида маълумот бериб ўтган ва асар номини «Таржимаи қавоиди ал-Қуръон ва фавоидал-Фурқон», деб келтиради (Ahmed Ateş, 1965:127-147). Уни ўзбек олимлари «ат-Тажвид» рисоласи деб тилга олишган (Ражабов Қ., Очилов Э., 2011:5).

Яна бир турк тадқиқотчиси Талип Йилдирим эса Убайдуллоҳхоннинг «Рисола фи ҳаққи масоили вузу» деган фикҳга оид рисоласини илмий муомалага киритган (Talip Yıldırım, 2003: 127-164). «Музаққири аҳбоб»да айтилишича, Убайдуллоҳхон мадрасаларда доим ўқитиб келинган «Номи Ҳақ»ни туркий тилига таржима қилган (Нисорий, 1993:30). Айтиш ўринлики, «Шарҳи Муқаддимат ас-солат» ҳамда «Рисола фи ҳаққи масоили вузу» деб аталаётган асарнинг айнаи ўзидир.

Шунингдек, Убайдуллоҳхон Қуръони каримга ҳам тафсир ёзган бўлиб, «ал-Фавоид ал-хоқония ал-убайдия» деб аталган. Ушбу асар номи машҳур био-библиографик манбалар бўлмиш «Кашф аз-зунун» ҳамда «Ҳадият ал-орифин»да ҳам тилга олинган (Ҳожи Халифа, 1941:1297; İsmail Poğso Bağdâdî, 1951:650).

Убайдуллоҳхондан мерос қолган мазкур асарлар эса унинг олим, маърифатли ва ўқимишли бир ҳукмдор бўлганини тасдиқлайди.

ХУЛОСА

Убайдуллоҳхон ўзи бир неча илмий ва бадиий асарлар битган, шунингдек, ҳикматлар ва девонларга эга бўлиб, Мовароуннаҳр ҳукмдорлари орасида бу борада унга тенг келадиганини топиш қийин. Шу билан бирга, унинг мамлакатида яшаётган олим ва адибларнинг унга бағишлаб ёзилган асарлари бўйича ҳам юксак ўринда туради. Унга атаб ёзилган асарлардан унинг нечоғли даражада илмли бўлганини, унинг илмий салоҳияти ва дунёқараши илм-фаннинг кўпроқ қайси соҳалари ва мавзуларига мойил эканини билиш мумкин. Убайдуллоҳхоннинг илмий қизиқиш доирасини ҳам, кутубхонасидаги китоблар соҳасини ҳам ундан аниқлаб олса бўлади.

Убайдуллоҳхонга бағишлаб ёзилган асарларни у тахтга чиққунгача ва тахтга чиққандан кейинги асарлар каби икки гуруҳга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Унинг ҳали тахтга расман чиқмасидан илгари ёзилган асарлар кўпроқ ўз асарларига битилган шарҳлари ёки бирор муносабат билан ёзилганини, шунингдек, ўзи эса санъатга ҳомий шахзода бўлганини кўрамиз.

«Сулук ал-мулук» каби ёки фатво тўпламлари сингари асарлар кўпроқ ҳокимиятнинг мустаҳкамлиги ва легитимацияси, шунингдек бошқарув тизими учун зарур эди. Айниқса, «Табйини дори ҳарб ва дори ислом» каби буюртма билан ёзилган асарлар жангу жадалларни оклаш ва асослаш учун хизмат қилганига шубҳа йўқ.

Махдуми Аъзамнинг Убайдуллоҳхонга бағишланган асарларидан ташқари унинг ўша давр ҳукмдорлари бўлган – Искандархон, Жонибекхон ва Бобур Мирзо кабиларга ҳам бағишлаган асарларини учратамиз. Буни эса унинг ўз даври ҳукмдорлари билан яқин ва дўстона муносабат учун хизмат қилган, дейишимиз мумкин.

Илмий ва имон-этиқодли ҳукмдор сифатида Убайдуллоҳхон кироат ва фикҳ ёки грамматикага оид асарларга ҳам қизиққан албатта. Шу жиҳатдан ҳам, унга атаб исломий илмларнинг мазкур соҳаларидаги асарлар кўплаб ёзилган.

Юқоридаги маълумотлардан шуни кўриш мумкинки, Убайдуллоҳхонга атаб ёзилган асарлар орасида аниқ фанларга оид, жумладан, математика, алгебра ёки астрономияга оидлари учрамайди. Фалсафа ва мантиққа оид асарлар ҳам йўқ. Бу эса Темурийлар давридаги илм-фан ривожига унга бўлган эътибор Шайбонийлар даврига келиб сусая борганидан далолат қилади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдуллаев И., Хикматуллаев Х. (1969). Самарқандлик олимлар. Тошкент: «Фан».
2. Абдурахмон Жомий. (1885). Шарҳи форсии Мухтасари Викоа (1-2 жуз). Дехли: «Наволкишвар».
3. Али ибн Муҳаммад Али ал-Хоразмий. Фатовои Алийя. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 4833/IV.
4. Аминов, Х. (2013). «Жоме ар-румўз» ханафийлик фикҳидаги эътиборсиз манбами? Шарқшинослик, № 16.
5. Аминов Х. (2012). Али ибн Муҳаммад Али ал-Хоразмий ҳаёти ва ижоди хусусида ilk маълумотлар. In «Марказий Осиё халқлари тарихи манбашунослиги ва тарихнавислиги масалалари» Республика IV илмий-назарий конференциясининг материаллари. Тошкент: «Тошкент Давлат Шарқшинослик институти».
6. Аминов Х. (2021). Шамсиддин Муҳаммад Қўҳистонийнинг илмий мероси. In «Ўзбекистонда ислом маданияти, тарихи ва санъатини ўрганишнинг янги истиқболлари» мавзуси асосида академик Убайдулла Каримов хотирасига бағишланган 2021 йил май ойида Тошкентда бўлиб ўтган халқаро конференция мақолалар тўплами. Истанбул: «IRSICA».
7. Аминов Х.А. (2023). Убайдуллоҳхонга бағишлаб ёзилган фикҳий асарлар. «Ислом тафаккури» журнали, 1-махсус сон.
8. Асомиддин ал-Исфаройний. (2019). Шарҳ ал-Асом 'ала Кофия ибн ал-Ҳожиб (Таҳқиқ: Муҳаммад Босил). Байрут: «Дор ал-кутуб ал-илмийа».
9. Асомиддин, Исфаройний. Ҳошия 'ала Шарҳ ал-Викоа. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 11457.
10. Аҳмади, Жомий. (2011). Мифтоҳ ан-нажот. Истанбул: «Ҳақиқат китабеви».
11. Ёрмуҳаммад Самарқандий. Қавоид ал-Қур'он. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 3354/I.
12. Ёрмуҳаммад, Самарқандий. Китоб ал-мифрада. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 2451.
13. Жалолиддин Маҳмуд Самарқандий. (1900). Шарҳи Мухтасари Викоа. Тошкент: «Порцев».
14. Зайн ад-дин Васифий. (1961). Бадаи ал-вақои (Том I, Критический текст, введение и указатели А.Н.Болдырева). Москва: «Изд.восточной литературы».
15. Зайниддин Восифий. (1950). Бадое' ул-вақое'. Ж. 1. Техрон: «Интишороти бунёди фарҳанги Эрон».
16. Исмаилов А.Т. (2020). XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон ҳудудида яратилган тажвид илмига оид манбалар. Исломшунослик фанлари бўйича философия доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент: «Ўзбекистон Халқаро Ислом Академияси».
17. Қозий Азизон. Сездех гандж. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 2574/IV.
18. Қозизода Шариф мақдум ибн Абдурахим Бухорий. (1909). «Жоме' ар-румўз»га сўзбоши. «Жоме' ар-румўз»нинг Қозон нашри.
19. Махдуми Аъзам Косоний. Воқеаи ҳаққония. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 2780/XXIV; 13273/I; 501/XXV; № 501/XXIV; 501/XIV.
20. Мир Саид Муҳаммад Самоний. Азкор ал-азкийо. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 7582/IV.
21. Муҳаммад ибн Бобо Самарқандий. Равзат ал-во'изин. Санкт-Петербург Шарқшинослик институти қўлёзмаси, № S 669; S 1397.
22. Муҳаммад Салоҳ. Шарҳи Мухтасари Викоа. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 10669.
23. Ражабов Қ., Очилов Э. (2011). Убайдуллоҳхон. Тошкент: «Абӯ Матбуот-Консалт».
24. Садриддин Салим Бухорий. (2006). Икки юз етмиш етти пир. Бухоро: «Бухоро» нашриёти.
25. Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР (СВР). (1987). Том XI. № 7567-7568. Тошкент: «Фан» нашриёти.
26. Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР (СВР). (1957). Том IV. № 2917. Тошкент: «Издательство академии наук Узбекской ССР».
27. Тухфати Убайдуллоҳхон фи-л-калом. ЎзР ФА ШИ-1, № 8221/III.

28. Фазлulloҳ ибн Рўзбеҳон Исфажоний. (1966). Сулук ал-мулук. Ҳайдаробод: «Мажлиси махтутоти форсия».
29. Фазлulloҳ ибн Рўзбеҳон Исфажоний. Манокиби Абдуҳолиқ Г'иждувоний. ЎзРФА ШИ қўлғзмаси, № 3844/XVI.
30. Ҳасанхожа Нисорий. (1993). Музаққари аҳбоб (Форс тилидан Исмоил Бекжон таржимаси). Тошкент: «Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти».
31. Ҳожи Халифа. (1941). Кашф аз-зунун (2-жилд). Истанбул: «Маориф матбааси».
32. Ҳофизи Калон. ал-Муффада ал-муфида. ЎзРФА ШИ қўлғзмаси, № 2945.
33. Ҳошият Асом Исфаройний 'ала Тафсир ал-Байзовий. (2015). Ўзод ат-Толиба Зубайда Ҳусайн Муҳаммад. Сурия: «Жоме'а Дамашк».
34. Шамсиддин Муҳаммад Кўхистоний. (1909). Жоме' ар-румўз (I-жуз). Қозон: «Каримий».
35. Шамсиддин Муҳаммад Кўхистоний. Табйини дори харб ва дори ислом. ЎзРФА ШИ қўлғзмаси, № 9060. 2936-варак.
36. Abdulkadir Macit. Şeybani Özbek hanları ve Nakşibendilik // Motif Akademi Halkbilimi Dergesi. 2014-2 (Temmuz-Aralık). Türkiye, 2014. s. 12.
37. Aminov H. Ali Harizmi'nin Fevaid Eseri: Hükümdarlar için Düsturu'l-Amel // Uluslararası Orta ve Batı Asya'da Yönetim Kültürü Sempozyumu tebliğleri. İstanbul, 21-23 Ekim, 2015. ss. 28-29.
38. Ümit Gedik. Fazlullâh b. Rûzbihân-i Hunjî ve Mihmân-nâme-i Buhârâ'sı üzerine bir değerlendirme // Ankara Üniversitesi Şarkiyat Mecmuası, sayı 32 (2018-1). s. 112.
39. Üzeyir Aslan. 16. yy. Çağatay Şairi Sâni-Efseri'nin Şiirlerinde Ubeydullah Han // Dîvân Edebiyatı Araştırmaları Dergisi, 6 (6). İstanbul, 2011. ss. 1-10.
40. Ahmed Ateş. (1965), Ubeydullah Han'ın Bilinmeyen Mensur Bir Eseri – Tarcama-i Kavâ'id al-Ḳur'ân va favâ'id al-Furqân // Türk Dili Araştırmaları Yıllığı Belleten, 12. İstanbul.
41. Talip Yıldırım. «Ubeydullah Han: Risâle-yi Fi-Hakk-ı Mesâil-i Vuḍû» // Türklük Bilimi Araştırmaları. İstanbul, 2003.
42. İsmail Poğso Bağdâdî. (1951). Hadiyahü'l-'ârifin (1. cilt). İstanbul: Ma'ârif.
5. Aminov H. (2012). Ali ibn Muhammad Ali al-Khwarazmiy hayoti va ijodi xususida ilk ma'lumotlar. In: Markaziy Osiyo xalqlari tarixi manbashunosligi va tarixnavisligi masalalari. IV Respublika ilmiy-nazariy konferensiyasi materiallari. Tashkent: Tashkent State Institute of Oriental Studies.
6. Aminov H. (2021). Shamsiddin Muhammad Kuhistoniy ilmiy merosi. In: O'zbekistonda islom madaniyati, tarixi va san'atini o'rganishning yangi istiqbollari. Istanbul: IRCICA.
7. Aminov H. (2023). Ubaydullohonga bag'ishlab yozilgan fiqhiy asarlar. Islom tafakkuri, Special Issue (1).
8. 'Aşam ad-Dīn Işfarāyini. (2019). Sharh al-Asom 'ala Kafiya ibn al-Hajib (Ed. Muhammad Basil). Beirut: Dar al-Kutub al-'Ilmiyya.
9. 'Aşam ad-Dīn Işfarāyini. Hashiya 'ala Sharh al-Wiqaya. MS Institute of Oriental Studies, Uzbekistan Academy of Sciences, MS No. 11457.
10. Aḥmad ibn 'Umar al-Jāmī. (2011). Miftah an-najat. Istanbul: Haqiqat Kitabevi.
11. Yormuhammad Samarqandiy. Qawa'id al-Qur'an. Manuscript, Institute of Oriental Studies, Uzbekistan Academy of Sciences, MS No. 3354/I.
12. Yormuhammad Samarqandiy. Kitab al-mufrada. Manuscript, Institute of Oriental Studies, Uzbekistan Academy of Sciences, MS No. 2451.
13. Jaloliddin Mahmud Samarqandiy. (1900). Sharhi Mukhtasari Viqoya. Tashkent: Portsev.
14. Zayn ad-Dīn Maḥmūd Wāṣifī. (1961). Bada'i' al-waqā'i' (Vol. 1, Critical ed. A.N. Boldyrev). Moscow: Publishing House of Oriental Literature.
15. Zayn ad-Dīn Maḥmūd Wāṣifī. (1950). Bada'i' al-waqā'i' (Vol. 1). Tehran: Intishorati Bunyadi Farhangi Iran.
16. Ismatullaev, A. T. (2020). XIX asr oxiri – XX asr boshlarida Turkiston hududida yaratilgan tajvid ilmi manbalari (PhD dissertation). Tashkent: Uzbekistan International Islamic Academy.
17. Qazi Azizon. Sizdah ganj. Manuscript, Institute of Oriental Studies, Uzbekistan Academy of Sciences, MS No. 2574/IV.
18. Qozizoda Sharif Maqdam ibn Abdurahim Bukhariy. (1909). In «Jami' ar-rumuz», Kazan edition.
19. Aḥmad al-Kāsānī al-Makhdūm al-A'zam. Waqi'a-yi haqqoniya. Manuscripts, Institute of Oriental Studies, Uzbekistan Academy of Sciences, MS Nos. 2780/XXIV; 13273/I; 501/XXV; 501/XXIV; 501/XIV.
20. Mīr Sayyid Muḥammad Sāmanī. Azkar al-azkiya. Manuscript, Institute of Oriental Studies, Uzbekistan Academy of Sciences, MS No. 7582/IV.
21. Muhammad ibn Bobo Samarqandiy. Rawzat al-wa'izin. Manuscript, Institute of Oriental Studies, Uzbekistan Academy of Sciences, MS S 669; S 1397.
22. Muhammad Saloh. Sharhi Mukhtasari Viqoya. Manuscript, Institute of Oriental Studies, MS 10669.

REFERENCES

1. Abdullaev I., Hikmatullaev Kh. (1969). Samarqandlik olimlar. Tashkent: Fan.
2. Abdurahmon Jomiy (Nūr ad-Dīn 'Abd ar-Raḥmān ibn Aḥmad al-Jāmī). (1885). Sharhi forsii Mukhtasari Viqoya (Vol. 1–2). Delhi: Navalkishvar.
3. 'Alī ibn Muḥammad ibn 'Alī al-Khwārazmī. Fatawa 'Aliyya. Manuscript, Institute of Oriental Studies, Uzbekistan Academy of Sciences, MS 4833/IV.
4. Aminov H. (2013). «Jome ar-rumuz» hanafiy fiqhida e'tiborsiz manbami? Sharqshunoslik, (16).

23. Rajabov Q., Ochilov E. (2011). Ubaydullohhon. Toshkent: Abo Matbuot-Konsalt.
24. Sadriddin Salim Bukhariy. (2006). Ikki yuz yetmish yetti pir. Bukhara: Bukhara Publishing House.
25. Sobraniye vostochnykh rukopisei Akademii nauk UzSSR (SVR). (1987). Vol. XI, № 7567–7568. Tashkent: Fan.
26. Sobraniye vostochnykh rukopisei Akademii nauk UzSSR (SVR). (1957). Vol. IV, № 2917. Tashkent: Fan.
27. Tuhfati Ubaydullahhan fi-l-kalam. Manuscript, Institute of Oriental Studies, MS 8221/III.
28. Fazlullah ibn Ruzbihon Isfahani. (1966). Suluk al-muluk. Haydarobod: Majlis-e Makhtutat-e Farsi.
29. Fazlullah ibn Ruzbihon Isfahani. Manaqib-i Abdu'l-Khaliq Ghijduwaniy. Manuscript, Institute of Oriental Studies, MS 3844/XVI.
30. Hasan Khoja Nisariy. (1993). Muzakkari ahhob (I. Bekjon tarjimasi). Tashkent: Xalq merosi.
31. Haji Khalifa. (1941). Kashf az-zunun (Vol 2). Istanbul: Maarif Matbaasi.
32. Hafizi Kalon. al-Mufrada al-mufida. Manuscript, Institute of Oriental Studies, MS 2945.
33. Hashiyat Asam Isfaraini 'ala Tafsir al-Baydawi. (2015). Publisher: Zubayda Husayn Muhammad. Syria: University of Damascus.
34. Shamsuddin Muhammad Kuhistani. (1909). Jami' ar-Rumuz (Vol. 1). Kazan: Karimi Publishing House.
35. Shamsiddin Muhammad Kuhistani. Tabyini dari harb va dari islam. Manuscript, Institute of Oriental Studies, MS 9060, fol. 293b.
36. Abdulkadir Mecit. (2014). Sheybani Uzbek khans and Naqshbandiyya. Motif Akademi Halkbilimi Dergisi, 2014(2), 12. Türkiye.
37. Aminov H. (2015). Ali Harizmi'nin Feva'id eseri: Hükümdarlar için Düsturu'l-Amel. In «Uluslararası Orta ve Batı Asya'da Yönetim Kültürü Sempozyumu Tebliğleri», 28–29. Istanbul.
38. Ümit Gedik. Fazlullâh b. Rûzbihân-i Hunjî ve Mihmânâme-i Buhârâ'sı üzerine bir değerlendirme. Ankara Üniversitesi Şarkiyat Mecmuası, 32 (2018-1), s.112.
39. Üzeyir Aslan. 16. yy. Çağatay Şairi Sâni-Efserî'nin Şiirlerinde Ubeydullah Han. Dîvân Edebiyatı Araştırmaları Dergisi, 6 (6), 1–10. Istanbul, 2011.
40. Ahmed Ateş. (1965). Ubeydullah Han'ın Bilinmeyen Mensur Bir Eseri – Tarcama-i Kavâ'id al-Ḳur'ân va favâ'id al-Furḳân. Türk Dili Araştırmaları Yıllığı Belleten, 12. Istanbul.
41. Talip Yıldırım. «Ubeydullah Han: Risâle-yi Fî-Hakk-ı Mesâil-i Vuzû". Türklük Bilimi Araştırmaları. Istanbul, 2003.
42. İsmail Paşa Bağdâdî. (1951). Hadiyatü'l-'ârifin (Vol. 1). Istanbul: Ma'ârif.

